

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Сайлов кодекси ишлаб чиқилди

Президентнинг 6.11.2018 йилдаги ПҚ-4004-сон қарорига биноан Сайлов қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Олий Мажлис палаталари билан биргаликда ишлаб чиқилган ҳужжат демократик тамойилларга ҳамда халқаро стандартларга жавоб беради, дея қайд этилади қарорда. Дастур билан лойиҳани кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш (15 ноябрдан), шунингдек, уни ЯИДХПга жойлаштириш режалаштирилган. Шундан кейин кодекс қабул қилинади (ноябрь–декабрь), амалдаги қонун ҳужжатлари унга мувофиқлаштирилади (2019 йил январь–февраль) ва унинг асосида қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилади (2019 йил март).

Маълумот учун: илгари ҚХТБТ порталда Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа таҳрири жойлаштирилган эди. Муҳокама 10 августда ниҳоясига етган, унинг давомида 11 та таклиф тушган.

Бундан ташқари, энди МСКнинг 7 нафар аъзоси, шу жумладан, раис, раис ўринбосари ва котиби доимий асосда ишлайди. 2019 йил 1 январдан бошлаб олий юридик маълумотга эга бўлган доимий асосда ишловчи аъзолар ва Котибият ходимларига адлия идора ва муассасалари ходимлари учун назарда тутилган унвон-мартаба даражалари берилди ҳамда мартаба даражалари ва кўп йиллик хизматлари учун устама ва қўшимча ҳақ тўланади.

МСК аъзолари дахлсизлик мақоми бўйича Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларига тенглаштирилди («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддаси).

Жамоатчилик асосида ишлаб келаётган сайлов комиссиялари ва референдум ўтказиш бўйича ко-



миссиялар раиси, унинг ўринбосари ёки котибларига ўтказиш даврида моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан асосий иш жойи бўйича лавозим маошининг 50%и миқдорида устама тўлаш тавсия этилди.

Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссияси тузилмасида Сайлов қонунчилиги ва замонавий технологиялар бўйича ўқув маркази ташкил этилди. Унинг вазифалари жумласига сайлов комиссиялари аъзоларини ўқитиш, малакасини ошириш, қонунчилик ва амалиётни тизимли равишда мониторинг қилиб бориш, бу соҳадаги муаммоларни ўрганиш ва илмий-услубий ишлар қиради.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 7.11.2018 йилдан кучга кирди.

Назорат қилувчиларни аттестациядан ўтказиш тартиби тасдиқланди

Вазирлар Маҳкамасининг 7.11.2018 йилдаги 920-сон қарори билан Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.

Қабул қилинган ҳужжат билан тадбиркорлик субъектларини текшириш тизими ва тартибига жиддий ўзгариш киритилди, унинг айрим жиҳатлари аниқлаштирилди.

Ҳар бир назорат қилувчи орган аттестациядан ўтиши керак бўлган ходимлар сони, уларга қўйиладиган касбий талаблар, шунингдек аттестациядан ўтказиш даврийлигини (3 йилда камида 1 марта) мустақил равишда белгилайди.

Бунинг учун идора раҳбари бизнесни текшириш мажбуриятига қирмайдиган 5 нафар ходимдан иборат бўлган доимий фаолият юритувчи аттестация комиссиясини ташкил этади. Комиссия раиси – орган раҳбари, ишчи орган эса кадрлар билан ишловчи бўлинма ҳисобланади. Унинг таркибига мажбурий равишда прокуратура органлари, тадбиркорлик субъектлари ва Савдо-саноат палатаси вакиллари киритилиши шарт. Муассасанинг ҳудудий бўлинмаларида ҳудудий ёки ҳудудлараро аттестация комиссиялари ташкил этилиши мумкин.

Аттестациядан ўтиши керак бўлган ходимлар рўйхати тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар (махсус гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаган ёки шу ой мобайнида тугайдиган ходимлар) ва бундай ҳуқуқни олишга тавсия қилинган ходимлар киритилади. Ҳар бир мутахассисга хизмат тавсифномаси, маълумоти, иш стаж ва малака оширганлиги тўғрисидаги ҳуж-

жатлар нусхалари илова қилинган маълумотнома тайёрланади.

Ходимнинг ўзи аттестациядан камида 2 ҳафта олдин уни ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан имзо қўйдирилган ҳолда таништирилади. Аттестация суҳбат шаклида ўтказилади. Саволлар текширув соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, «хавфни таҳлил этиш» тизимига оид бўлади. Вазиятли вазифалар берилиши мумкин. Электрон мосламалардан, маълумотнома, махсус ёки бошқа адабиётлардан, ҳар қандай ёзувлардан фойдаланиш ман этилади. Комиссия йиғилишида бегона шахсларнинг иштирок этишига рухсат берилмайди. Жараён аудио ва видеоёзув орқали қайд этилади.

Хизмат тавсифномаси ва саволларга берилган жавобларни иноватга олган ҳолда ҳар бир аттестациядан ўтувчи ходимга нисбатан очик овоз бериш йўли билан қарор қабул қилинади. Аттестациядан ўтган ходимга кейинги аттестация муддати тадбиркорлик субъектларини текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳнома берилади («Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси 2-қисми).

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 8.11.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

2-бетда

Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

Ёлланма ишчи
пенсия тўлаш

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида
қандай ўзгаришлар бўлади?

7-БЕТ

Қандай қилиб фермер хўжалигини
МЧЖга ўзгартирса бўлади?

Газ тармоқлари ва иситиш тизимлари хавфсизлиги назорат остида

Вазирлар Маҳкамасининг 1.11.2018 йилдаги 901-сон қарори билан аҳоли томонидан иситиш тизими ва ёқилғи маҳсулотларидан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди.

Биринчидан, Республика комиссияси ташкил этилди, у иситиш хавфсизлиги талабларига риоя этилишини ўрганади, шунингдек бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга доир таклифлар тайёрлайди. Унинг таркибига Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси, Бош прокурор ўринбосари, «Ўзтрансгаз» АЖ бошқаруви раиси, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирларининг биринчи ўринбосарлари ва бошқалар киради. Комиссияга аниқ вазифалар юклатилди.

Иситиш қозонлари ва печларидан фойдаланишни тизимли ўрганиш бўйича ҳудудий комиссияларнинг намунавий таркиби тасдиқланди. Уларга вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси бошчилик қилади. Бундан ташқари, Саноатгеоконтехназорат, Ўздавнефтегазинспекция, Қурилиш вазирлигининг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари ва ҳ.к. жалб қилинган.

Иккинчидан, ички газ тармоқлари ҳамда газда ишловчи қурилма ва ускуналарнинг белгиланган муддат-

ларда техник тафтишдан ўтказилиши ва уларга профилактика хизмати кўрсатилишига риоя қилиниши топширилди (*Табий газдан фойдаланиш қоидаларининг 135-банди «з» кичик банди*):


➤ кўп квартиралли уйлардаги газ плиталари (бошқа газ приборлари мавжуд бўлмаганда) — 2 йилда 1 марта;

➤ турар жойлардаги газ плиталари, иситиш, сув иситиш приборлари - 1 йилда 1 марта, профилактик хизмат кўрсатиш - ҳар йилги иситиш мавсуми бошланишидан аввал.

Бундан ташқари, дудбуронлар ва вентиляция каналлари ҳар йилги иситиш мавсумидан олдин текширилиб, тегишли далолатномалар билан қайд этилади.

«Ўзтрансгаз» АЖ, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Саноатгеоконтехназорат, Ўздавнефтегазинспекциясига ИИБ билан биргаликда тафтиш ва текширишдан ўтказишни таъминлаш юклатилди.

Учинчидан, Давлат солиқ қўмитасига қўлбола



ясалган ностандарт иситиш мосламаларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг бозорлар ва турли савдо шохобчаларида сотилишининг олдини олиш бўйича қатъий чоралар кўриш топширилди.

Тўртинчидан, иситиш тизими ҳамда табиий ва суюлтирилган газдан ҳамда қаттиқ ёқилғидан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш бўйича НХҲ ва техник ҳужжатлар, шунингдек, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари бир ой муддатда хатловдан ўтказилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 2.11.2018 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

2019 йил учун статистика ҳисоботи шакллари тасдиқланди

1 январдан бошлаб статистика соҳасида 108 та ҳисобот шакли қўлланилади (31.10.2018 йилда 3083-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Ушбу шарҳда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун тафсилотлар берилган.

Ҳисобот шакллари таркиби ўзгармаган, лекин айрим тузатишлар киритилган.

1-KB «Микрофирма ва кичик корхонанинг ҳисоботи» шаклида (107-илова):

➤ I «Меҳнат» бўлимида корхонада асосий иш жойида ишлайдиган 25–30 яшар ходимларнинг ёш гуруҳи алоҳида ажратилган (ташқилотда уларнинг меҳнат дафтарчалари сақланади). Энди 18–24 ёш, 25–30 ёш, 31–39 ёш, 40–49 ёш, 50–54 ёш, 55 ёш ва ундан катта ёшли ходимлар сонини кўрсатиш зарур;

➤ II.2 «Ташкилот балансида мавжуд бўлган маҳсус омборхоналар ва сақлаш жойлари» бўлими қўшилди. Унда омборхоналар, омборхоналар — совуқчилар, ш.ж. минус 8°C ва ундан паст температурали камера-лар сонини, сабзавот сақлаш жойлари, мева сақлаш жойлари ва картошка сақлаш жойларини кўрсатиш талаб этилади;

➤ Ўзбекистонга чет элдан киритилган инвестициялар тўғрисидаги, шунингдек республикадан чет элга йўналтирилган инвестициялар тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган III.2 ва III.3 бўлимлар чиқариб ташланди. Шу тарика, ҳар чоракда ва ҳар йили топширилаётган 1-invest «Ўзбекистон Республикасига инвестициялар ва Ўзбекистон Республикасидан чет элга йўналтирилган инвестициялар тўғрисида ҳисобот» шаклидаги маълумотларнинг тақдорланишига чек қўйилди.

Ҳисобот тақдим этиш муддатлари ўзгармади: 26 февралдан кечиктирмай — микрофирма ва кичик корхоналар учун ва 26 мартдан кечиктирмай — чет эл инвестициялари ёки хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун (*кейин чет эл инвестициялари ёки сармояси иштирокидаги юридик шахслар учун ҳисобот тақдим этиш муддатининг сўнги санаси кўрсатилади*).

1-KB shakliga ilova (QM) «Кичик қурилиш ташкилотлари ва микрофирмаларда мавжуд қурилиш машина ва механизмлари тўғрисидаги ҳисобот»га

(107/1-илова) ўзгартиришлар киритилмади. У тегиш-инча 26 февралдан ва 26 мартдан кечиктирмай тақдим этилади.

1-KB shakliga ilova (qurilish) «Объектлар, қувватлари ишга тушириш ва уларнинг қурилишига йўналтирилган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот»га (107/2-илова) ҳам ўзгартиришлар киритилмади. Бино ва иншоотлар қурилишига инвестицияларни амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар уни 26 февралдан ва 26 мартдан кечиктирмай тақдим этишлари шарт.

1-KB shakliga ilova (TIF) «Экспорт-импорт тўғрисида ҳисобот»га (107/3-илова) ҳам тузатишлар киритилмади. Уни тақдим этиш муддати ҳам ягона-лигича қолди — 26 февралдан кечиктирмай. Мазкур ҳисоботни экспорт-импорт битимлар тузган корхона-лар тақдим этади.

1-KB shakliga ilova (sanoat) «Оқава сувларни марказлаштирилган ҳолда чиқариб юборишни, ободонлаштириш ва ёритиш ишларини амалга оширувчи, аҳолига ва маиший-коммунал эҳтиёж-ларга сув, иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув етказиб берувчи микрофирма ва кичик корхона-ларнинг ҳисоботи» (107/4-илова) ҳам шундай. Тақ-дим этиш муддатлари — 26 февраль ва 26 март.

1-KB shakliga ilova (energo) «Ёқилғи ва энергия сарфи тўғрисида ҳисобот»ни (107/5-илова) илгари асосий фаолият тури саноат ҳисобланган корхона-ларгина тақдим этган. Давстатқўм мазкур ҳисоботни тақдим этиши керак бўлган кичик корхоналарнинг қўшимча рўйхатини ҳам тасдиқлайди. Тақдим этиш муддати ўзгармади — 26 мартдан кечиктирмай.

1-KB shakliga ilova (QX) «Микрофирма ва кичик корхонанинг қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғриси-да ҳисобот»да (107/6-илова) қишлоқ хўжалиги экин-лари ва ҳайвонларнинг турлари рўйхати сезиларли даражада кенгайтирилиб, улар бўйича батафсил

статистика маълумотлари киритилди. Муддатлар — 26 февралдан ва 26 мартдан кечиктирмай.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларга эга, токсик ва нотоксик чиқиндилар ҳо-сил қиладиган ташкилотлар учун мўлжалланган 1-KB shakliga ilova (EKO) «Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида микрофирма ва кичик корхонанинг ҳисоботи»га (107/7-илова) ҳеч қандай ўзгартириш киритилмади. Тақдим этиш муддати ҳам ўзгарти-ришсиз қолдирилди — тегиш-инча 26 февралдан ва 26 мартдан кечиктирмай.

1-KB shakliga ilova (AKT) «Ахборот-коммуни-кация технологиялари тўғрисида ҳисобот»да (107/8-илова) телекоммуникациялар тармоқларида хизмат кўрсатиш учун лицензияга эга бўлган корхо-налар энди Интернет тармоғига кенг йўлли улашни бўйича абонентлар сонини алоҳида сатрда кўрса-тишлари лозим. Бундан ташқари, Интернет тармоғига уланган компьютерлар сони ўрнига оммавий фойда-ланиладиган компьютерлар сонини кўрсатиш зарур-лиги ҳусусида аниқлик киритилди. Яъни корпоратив тармоқлар ҳақида эмас, балки Интернетга чиқиш хизматлари кўрсатиладиган шохобчалар (интернет-кафе, Wi-Fi-зоналар ва ҳ.к.) ҳақида сўз бормоқда.

1-KB shakliga ilova (tib) «Аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхона фао-лияти тўғрисида ҳисобот»да (107/8-илова) жинс ва ёш гуруҳлари кесимида мия инфаркти, инсульт ва бошқа қон қуйилиши касалликларига чалинган бе-морлар сони ҳақида янада батафсил маълумотларни акс эттириш талаб этилади.

1-KB shakliga ilova (tur) «Ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш ва жойлаштириш тўғрисида микрофирма ва кичик корхонанинг ҳисоботи»да (107/8-илова) сайёҳлик соҳасидаги корхоналар учун ҳеч қандай янгиликлар киритилмади, шу жумладан уни тақдим этиш муддатлари борасида ҳам — теги-шинча 12 ва 26 мартдан кечиктирмай.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари мил-лий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 1.11.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

— Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-2-бетлар

• ПЕНСИЯ ИШИ

— Ёлланма ишчилар: меҳнат муҳофаза-си ва пенсия масалалари
— Россия ва Ўзбекистон пенсияга оид битим тайёрламоқда

— Бошқа вазиятда

— Фақат меҳнатга қобилиятсизлар учун
— Пенсия — яшаш жойи бўйича
— Халқ банки: ЖБП тизими ислоҳ қили-нади
— Ўзини ўзи иш билан таъминловчилар қандай пенсия олади?
— Орта назар солиб

— Ҳисобга олинади

— Битта қоида
— Сана кўрсатилмаган бўлса
— Ҳаммаси — Солиқ кодекси бўйича
— Ҳарбий пенсионерларни қайси маса-лалар қизиқтиради
— Чекловлар олиб ташланади
• ХўЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

— Қўшиб юбориш алгоритми

— Қайта ташкил этишнинг юридик жиҳат-лари

7-бет

• СИЗНИНГ ҲУҚУҚИНГИЗ

— Рўйхатда мажбурият белгиланган
— Туланган бадаллар қайта ҳисоб-китоб қилинмайдими
— Воситачилик қилиш усули

8-бет

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Пенсия тизими ислоҳоти унинг жамғариб бориладиган қисмига ҳам дахл қилади. Халқ банки «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиришлар киритишни тақлиф этмоқда. Ушбу сонни ўқиб, аҳолини қандай янгиликлар кутаётгани ҳақида билиб оласиз. Шунингдек ўқувчиларимизнинг саволларига берилган жавоблар ҳам қизиқиш уйғотиши тайин. Тушунтиришларни «Норма маслаҳатчи» экспертлари ва Пенсия жамғармаси мутахассислари бердилар.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газетамизнинг gazeta@norma.uz ва ntv@norma.uz электрон манзилларига йўлланг.

Ислохотлар

Ёлланма ишчилар: меҳнат муҳофазаси ва пенсия масалалари

Молия вазирлигида ташкил этилган матбуот анжуманида Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатиغا Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги қарори билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича маълумот берилди.

Амалдаги қонунчиликка асосан хусусий тадбиркорлар чакана савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги жами 81 фаолият билан юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланишлари, бу жараёнда бир нафардан уч нафаргача ходимни ёллаб ишлатишлари мумкин. Жумладан, яқка тартибдаги тадбиркор чакана савдо фаолияти билан шуғулланганда бир нафар, маиший хизмат кўрсатиш фаолияти билан ишгулланганда уч нафаргача, фаолиятнинг бошқа турлари бидан шуғулланганда икки нафаргача ходимни ёллаб ишлатишига рухсат этилган.

Лекин, ўрганишлар натижалари шуни кўрсатдики, биринчидан, қурилиш мате-

риаллари, цемент, шифер, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари ҳажмининг катталиги ва вазнининг оғирлиги сабабли, хусусий тадбиркорлар ушбу маҳсулотларни транспорт воситаларига юклаш, ташиш, тушириш, қадоқлаш, қўриқлаш ва сотишни рухсат этилган бир нафар ёлланма ишчи билан бажара олмаётганликлари сабабли қонунчиликда белгиланганидан ортиқча ходимларни ёллаб норасмий ишлатишига мажбур бўлмоқда.

Иккинчидан, алюминий (пластик) профиллардан эшик, дераза ва бошқа буюмларни тайёрлаш йирик ускуналардан фойдаланилган ҳолда, саноат усулида амалга оширилиши шунингдек, хом ашё

БУГУНГИ СОНДА:

РОССИЯ ВА
ЎЗБЕКИСТОН
ПЕНСИЯГА ОИД БИТИМ
ТАЙЁРЛАМОҚДА

РФда ишловчи
легал меҳнат
мигрантларининг
ҳуқуқларига доир

2

ХАЛҚ БАНКИ:
ЖБП ТИЗИМИ
ИСЛОҲ ҚИЛИНАДИ

Дафтарчалар ўтмишда
қоладими?

4

ЎЗИНИ ЎЗИ ИШ БИЛАН
ТАЪМИНЛОВЧИЛАР
ҚАНДАЙ ПЕНСИЯ
ОЛАДИ?

Киракаш ёки
устанинг мақомини
белгилашмоқчи

5

САНА КЎРСАТИЛМАГАН
БЎЛСА

Пенсияни
расмийлаштиришда
муаммо бўлмайдими?

6

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ахборот кўмагида тайёрланди.

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

материаллари ва тайёр маҳсулотларни ортиш, ташиш, тушириш ва ўрнатиш учун кўп ишчи кучи талаб этилиши сабабли ходимларни норасмий ёллаб ишлатишга тўғри келмоқда.

Шу каби ҳолатлар автомобилларни ювиш фаолияти бўйича ҳам кузатишмоқда. Натижада, норасмий ёлланган ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва меҳнат хавфсизлиги таъминланмасдан, меҳнат стажлари юритилмаслигига ҳамда келгусида асосланган пенсия тўлови кафолатланмасдан қолишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига биноан юк ортиш ва тушириш ишлари оғир ва хавфли ишлар тоифасига киритилган бўлиб, иш жараёнида бир ходимнинг доимий кўтарадиган юк оғирлиги 15 кг дан ва иш сменаси давомида жами кўтарадиган юк оғирлиги 870 кг дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Лекин цемент (1 қопи 50 кг), шифер, ва ёғоч маҳсулотлари сотишда (1 нафар ишчи билан) мазкур нормаларга амал қилиб бўлмайди.

Юқоридаги сабабларга кўра, хусусий тadbirkorлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турларини қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи юзга келди. Қарордаги шу каби 17 фаолият турларига тегишли ўзгариштирилган киритилди ва 2 фаолият тури фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Бу эса юридик шахс мақомида тadbirkorлик фаолиятини амалга оширувчилар учун қулайликлар яратиш билан бирга, ходимларнинг меҳнат муҳофазаси таъминланиб, белгиланган тартибда бандлик даражасининг ошишига хизмат қилади.

ЎЗА асосида.

Истиқбол

Россия ва Ўзбекистон пенсияга оид битим тайёрламоқда

Ҳужжат билан РФда ишловчи ва тегишли ажратмаларни тўловчи легал меҳнат мигрантларига муайян тўловларга даъвогарлик қилиш имкони берилади.

Россия Федерацияси президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат таширифи доирасида РФ Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ўртасида Ижтимоий-меҳнат соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандум имзоланди. РФ Меҳнат вазирлиги раҳбари Максим Топилин «Известия»га берган маълумотига кўра, келгусида мамлакатлар пенсияга оид битим имзолашлари мумкин. Идора раҳбарининг сўзларига қараганда, РФда легал тарзда ишлаган ва тегишли ажратмалар тўлаган Ўзбекистон фуқаролари муайян тўловларга даъвогарлик қила олишлари ҳақида сўз бормоқда.

Ўзбекистон томонининг яна бир ташаббуси – республикада меҳнат мигрантларига Россияга кетиш олдидан патентлар ва ишлаш учун рухсатномалар берадиган мах-

сус марказни ташкил этиш, дея маълум қилди РФ Меҳнат вазирлиги раҳбари.

Максим Топилин ҳамда Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Шерзод Қудбиев имзолаган Ижтимоий-меҳнат соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги меморандумда бир нечта йўналишда ҳамкорлик қилиш назарда тутилган. Булар – меҳнат бозорини таҳлил ва мониторинг қилиш, аҳоли бандлигига ва хорижий ишчи кучини тартиб билан жалб этишга кўмаклашиш, меҳнатга оид ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва ҳ.к. Биргаликда маслаҳат берувчи органлар ташкил этилади, тажриба алмашиш мақсадида бандлик соҳаси ходимларининг ўзаро таширифлари уюштирилади.

Манба: «Известия».

Расмий жавоб

Бошқа вазиятда



Доим бюджет ташкилотларида ишлаганман. Пенсияга чиқаётганда стажим 40 йилни ташкил этган. Пенсияни 54 ёшда расмийлаштирганман. Уни ўз вақтида олиб келганман.

Икки йил аввал катта набирам мактабга чиққунча болаларга (набираларимга) қараб туришни илтимос қилгани учун АҚШдаги қизимникига бордин.

2017 йил февралда менга пенсия тўлашни тўхтатиб қўйдилар. Мен ишончнома ва паспортимнинг асл

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

нусхасини жўнатдим. Бироқ шахсан келишим кераклигини айтдилар. Мен эса набирам мактабга чиққанда, 3 йилдан кейин қайта оламан.

Тошкентда яшовчи ўғлим пенсия олиши учун Ўзбекистоннинг АҚШдаги консулхонасида тасдиқланган ишончномани жўнатишим мумкинми?

Пенсия тўлашишни тиклаш ва шу йиллар давомида олинмаган суммаларни олиш учун нима қилишим керак? Н.Исмоилова.

– Сизнинг ҳолатда кетма-кет 3 ойдан ортиқ вақт мобайнида пенсия олинмаганлиги ёхуд ишончнома берган шахс унга тайинланган пенсияга ҳуқуқини тасдиқлаш учун белгиланган муддатда келмаганлиги сабабли пенсияни тўлаш тўхтатиб турилган бўлса керак.

Пенсионер хорижий давлатда бўлган ва соғлиғи туфайли Ўзбекистонга келиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатларда пенсионер Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига пенсия тўловини тиклаш юзасидан мурожаат этиши мумкин ва хорижий давлат ҳудудида доимий яшаш ҳолати мавжуд эмаслигини, шунингдек пенсия ёки

ижтимоий нафақа олмаслигини тасдиқлаши лозим (Низомнинг 172-банди, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова).

Дарҳақиқат, сиз пенсия тўлашни тиклашлари учун прописка қилинган жойдаги Пенсия жамғармаси бўлимига ариза билан шахсан мурожаат қилишингиз керак.

Сизга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин сиз ўз вақтида талаб қилиб олмаган пенсия пули уни олиш мақсадида мурожаат этилганидан олдинги 12 ойдан ошмаган давр учун тўланади («Фуқароларнинг давлат пенсия тўғрисида»ги Қонуннинг 59-моддаси).

Фақат меҳнатга қобилиятсизлар учун

? Турмуш ўртоғим 55 ёшда вафот этган. Менинг иш стажим 35 йилни ташкил этади. Ҳали пенсияга чиқмаганман. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олишим мумкинми?

Анна Г. Тошкент ш.

– Йўқ, бунга ҳақли эмассиз. Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари, агар улар марҳумнинг тўлиқ боқувида бўлган ёки ундан ёрдам олиб турган бўлсалар, бу ёрдам улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ота, она, ўғай ота, ўғай она, хотин, эр ҳам, башарти, улар Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёшига тўлган ёки ногирон бўлсалар, ушбу тоифага кирадилар (Қонуннинг 19, 20-моддалари).

Маълумот учун!

2018 йилнинг 1 ноябридан бошлаб қуйидаги энг кам миқдорлар амал қилади:

- ёшга доир пенсиялар – ойига 396 500 сўм;
- болаликдан ногиронларга нафақалар – ойига 396 500 сўм;
- зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамма меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар – ойига 243 300 сўм.

Пенсия – яшаш жойи бўйича

? Холам – пенсионер, Хоразм вилоятида яшайди. Оилавий шароитига кўра ҳозир вақтинча Тошкент вилоятида яшайпти.

У пенсияни вақтинча яшаш жойига ўтказиши мумкинми, бунинг учун нима қилиш керак?

М.Л.

– Холангиз Тошкент вилоятида вақтинча прописка қилинган ҳисоба олинса, у вақтинча яшаш жойи бўйича пенсия олиш ҳуқуқига эга (Низомнинг 167-банди). Бунинг учун у

Хоразм вилоятидаги доимий яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига ариза билан мурожаат қилиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказишни расмийлаштириши зарур.

Абдурашид Исмоилов,

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Маевуевий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Лойиҳа

Халқ банки: ЖБП тизими ислоҳ қилинади

Лойиҳада – ходимлар реестрини тақдим этишнинг янги муддатлари, жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаларини бекор қилиш, Халқ банкининг таваккалчиликларини фуқаролар зиммасига юклаш ва жамғармаларни олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани соддалаштирилган тарзда бериш. Халқ банки «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни таклиф этмоқда.

Ходимларнинг реестрлари – янги муддатларда

Эслатиб ўтамай, ҳозир иш берувчилар ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-қунига қадар ўзлари жойлашган жойдаги Халқ банки филиалига:

жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ўтказилганлиги тўғрисида тўлов ҳужжатининг кўчирма нусхасини;

ШЖБПХ рақамлари, ҳар бир ходимнинг фамилияси, ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи ва жамғариб бориладиган пенсия бадаллари суммаси кўрсатилган ҳолда ходимлар реестрини тақдим этишлари шарт (АВ томонидан 6.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом).

Амалиётда бухгалтерлар электрон реестрларни ЯИДХП ёхуд Халқ банки сайти орқали топширадilar. Ушбу мажбуриятга амал қилмаганлик учун 2 ЭКИХдан 4 ЭКИХгача миқдорда жарима солинади (МЖТКнинг 179-2-моддаси).

Лойиҳада реестр тақдим этиш муддатларини ўзгартириш назарда тутилган. Лойиҳанинг бу қисмини сўзма-сўз келтириладиган бўлсак, реестр «даромад солиғи ҳисоблаш жараёни билан бир вақтнинг ўзида ҳар ойда» тақдим этилади.

Шарҳ муаллифининг фикрича, бу унча аниқ муддат эмас. Гап шундаки, Солиқ кодексининг 188-моддасига мувофиқ, ЖШДС, одатда, солиқ агенти томонидан жисмоний шахсга ўлаш мақсадида пул маблағларини (ойнинг биринчи ярми учун авансдан ташқари) олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда тўланади. Бунда солиқ ойнинг охири қунидаги ҳолатга кўра ҳисобланади, аслида амалиётда ҳисоб-китобнинг ўзи кейинроқ – кейинги ойнинг илк саналарида амалга оширилади. ЖШДС бўйича ҳисоботлар эса ҳар чорақда – ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-санасигача топширилади.

Шу тариқа, лойиҳада муддатни пул маблағларини олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш ёхуд ЖШДС бўйича ҳисобот топшириш санасига боғлаб, аниқроқ кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари ўтмишда қолади

Дафтарчалар ўрнига жамғариб бориладиган пенсия тизимига ҳисобга олинганлиги тўғрисида маълумотномаларни жорий этиш таклиф этилмоқда. Маълумотлар ҳажми бўйича маълумотнома дафтарчадан деярли фарқ

қилмайди: унда ҳисобга олинган сана, жисмоний шахснинг шахсига оид маълумотлар, ШЖБПХ рақами, шунингдек бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади. Янги ҳужжат мавжуд пенсия жамғармалари қайд этиладиган устунларга эга бўлмаслиги билан фарқланса керак.

Бундан ташқари, маълумотнома электрон шаклда бўлади, у давлат хизматлари марказлари ёхуд ЯИДХП орқали берилади. «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 7 ва 9-моддаларига тегишли ўзгартиришларни киритиш таклиф этилмоқда.

Пенсия жамғармаларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома «югур-югурсиз» берилади

Амалдаги тартибга кўра, меҳнат шартномаси бўйича ишловчи шахслар жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш сўралган аризани иш берувчи орқали тақдим этадилар. Якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ҳўжаликларининг аъзолари ва бошқа фуқаролар эса – уни бевосита яшаш жойларидаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига берадилар. Гувоҳноманинг ўзи ариза келиб тушган кундан эътиборан 5 иш куни ичида расмийлаштирилади. Сўнг ҳужжатни Халқ банки филиалига топшириш талаб этилади.

Келгусида буларнинг бари осонлаштирилиши мумкин. Фуқаролар Халқ банкига муурожаат қилишларининг ўзи етарли бўлади, у гувоҳномани бериш тўғрисидаги сўровни электрон тарзда ўзи йўллайди. Барча тартиб-таомиллар онлайн режимда амалга оширилади.

Халқ банкининг фойда ва таваккалчиликлари – бизнинг фойда ва таваккалчилигимиз

Ҳозир банк шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга пул қадрсизланишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоизларни ҳисоблаб қўшишга мажбур (Қонуннинг 10-моддаси). Фоизлар миқдорини белгилашнинг бошқа механизми таклиф этилмоқда – у жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар миқдоридан, яъни маблағларни молиявий воситаларга жойлаштириш ҳамда улардан инвестиция ва кредит ре-

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

сурслари сифатида фойдаланиш ва бошқалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Шу тариқа, бир томондан, фуқаролар ШЖБПХдаги маблағлари бўйича фоиз кўринишида кўпроқ фойда олишлари мумкин бўлади, бошқа томондан эса, пул қадрсизланиши даражасидан ласт бўлмаган фоизларнинг энг кам миқдори ҳисоблаб қўшилиши истисно этилади. Шу сабабли самарасиз инвестиция қилганда пенсия жамғармалари қамайиши мумкин.

Халқ банки пенсия жамғармаларини жойлаштиришдан олинган даромаддан ўзининг операцион харажатларини қоплаш ҳуқуқига эга бўлади. Илгари маржа миқдори аниқ харажатларга боғланмаган эди (*Қонуннинг 23-моддасига қаранг*). Илгаригидек, унинг миқдори Молия вазирлиги билан келишилади.

Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Маълумот учун: Жамғариб бориладиган пенсия тизими Ўзбекистонда сугурта тусидаги пенсия таъминотини тўлдиради, бунда ишловчи фуқаролар амалда катта аълоднинг пенсиясини тўлайдилар. Пенсия олиш ҳуқуқи юзага келганда жамғариб бориладиган қисми бир йўла ёхуд қисмлаб тўланади.

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Ўзини ўзи иш билан таъминловчилар қандай пенсия олади?

Ҳеч қандай расмийлаштиришсиз киракашлик қилувчи, хусусий тартибда ёлланган ҳолда кунбай ҳақ тўланадиган ишларни ва таъмирлаш-қурилиш ишларини бажарувчи шахсларни легаллаштириш имконияти муҳокама қилинмоқда, дея хабар беради Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳар йили 4,5 ЭКИХ миқдориди бадал тўланадиган патентни жорий этиш ҳам вариант сифатида кўриб чиқилмоқда. Бу ходимга тўлақонли меҳнат фаолиятини юритгандек меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш ҳуқуқини берган бўлар эди.

Бундай ёндашув норасмий бандлик билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. Бугунги кунда ҳеч қандай расмийлаштиришсиз ишлаётган кишилар пенсия ёшига етганда стажга эга бўлмай, оқибатда жуда кам миқдорда пенсия ёки нафақа олиш муаммосига тўқнаш келмоқдалар.

norma.uz.

Бизга мактуб йўллабсиз

Ортга назар солиб



Мен тадбиркорман. Сугурта бадалларини тўлайман. Мен ишламаган ва, тегишинча, бадалларни тўламаган даврлар бўлган.

Келгусида стажни ҳисоб-китоб қилаётганда ва пенсияни ҳисоблаётганда ушбу даврни инобатга олишлари учун ушбу суммани ҳозир тўласам бўладими? Агар шундай қилиш мумкин бўлса, бунинг учун нима қилишим керак?

– Йўқ, бундай қила олмайсиз. Сугурта бадаллари тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган давр учун тўланади. Солиқ органлари бундай фаолият амалга

оширилмаган вақт учун сугурта бадаллари ва солиқларни ҳисобламайдилар, тегишинча, ушбу давр учун тўловлар тўланмайди.

РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси
қонунчилиги

www.norma.uz

Маевуви сонни Алла Ромашко олиб боради.

Ҳисобга олинади



Армиядаги хизмат стажга қўшиладими?

— Ҳа, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддаси «б» бандида бу назарда тутилган, унда кўрсатилишича, **ҳарбий хизмат иш стажига қўшиб ҳисобланади.**

Маълумот учун!

Пенсия жамғармасининг «ишонч телефони» — 1140.

Битта қоида



Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларига (ВМнинг 11.02.2005 йилдаги 60-сон қарори) мувофиқ, корхона ҳар ойда жабрланувчининг ўзига ёки — боқувчи вафот этганда — меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига йўқотилган иш ҳақини қоплаш суммасини тўлайди.

Қоидаларнинг 8-бандига мувофиқ, белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори оширилганда соғлиқнинг шикастланиши билан боғлиқ зарар ёки боқувчисининг вафоти билан боғлиқ равишда бериладиган йўқотилган иш ҳақи, бошқа тўловларни қоплаш суммаси ЭКИХ миқдорининг оширилган суммасига мутаносиб равишда кўпайтирилади. Бугунги кунга келиб зарарни қоплаш суммаси ҳисоблана бошлаган бутун давр учун индексацияни инобатга олганда жабрланувчининг касби бўйича ҳам, умуман корхона бўйича ҳам ўртача ойлик иш ҳақидан анча ошиб кетди.

Йўқотилган иш ҳақини тўғри индексация қиляпмизми?

Мазкур ҳисобланмалар учун, масалан, пенсияни ҳисоблашда 8 ЭКИХдан ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи белгиланганидек, қандайдир лимит ўрнатилганми?

В.С. Тошкент ш.

— Афсуски, пенсия тўловлари билан бўлгани сингари, зарарни қоплаш суммаларини ҳисоблаб чиқаришга доир бошқа қоидалар, шунингдек тўланаётган зарарни қоплаш суммаси миқдорига доир чекловлар мавжуд эмас. Зарарни қоплаш суммалари эса, ҳақиқатан ҳам, энг кам ойлик иш ҳақининг оширилган суммасига мутаносиб равишда кўпайтирилиши керак.

Бунда зарарни қоплаш суммалари миқдори ва унинг кейинчалик кўпайтирилишини тўғри ҳисоблаб чиқараёт-

ганингиз борасида шубҳаланаётган бўлсангиз, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ёки Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига мурожаат қилишингиз мумкин.

P.S. Амалиётда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилмаган бўйруғи асосида зарарни қоплаш суммалари нотўғри ҳисоблаб чиқарилган ҳолатлар учраган.

Сана кўрсатилмаган бўлса



90-йиллар охирида ташкилотда ишлаганман. Меҳнат дафтарчасида бу ҳақда ёзув қайд этилган. Бироқ унда фақат ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш йиллари кўрсатилган. Аниқ саналар (кун, ой) йўқ. Бу вақт стажимга кириштиладими?

— Меҳнат дафтарчасида зарур ёзувлар бўлмаган ёки меҳнат фаолияти даврлари тўғрисида нотўғри ва ноаниқ ёзувлар мавжуд бўлган ҳолларда, иш стажини тасдиқлаш учун (банд шахснинг иш стажидан ташқари) маълумотномалар, буйруқлардан кўчирмалар, шахсий ҳисобварақлари ва иш ҳақи бериш учун ведомостлар, меҳнат шартномалари (контрактлар), архив маълумотномалари

ва меҳнат фаолияти даврлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар қабул қилинади (252-сон Низомнинг 59-банди).

Эгизинча, иш стажини тасдиқловчи архив ҳужжатлари: ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқлар, шунингдек бу даврда ойма-ой иш ҳақи тўланганлиги тўғрисидаги маълумотларни топиш зарур. **Кўрсатилган**

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

хужжатлар мавжуд бўлса, улар асосида иш стажи ҳисобга олинади.

Архив хужжатлари мавжуд бўлмаса, Пенсия жамғармаси бўлимининг пенсияларни тайинлаш бўйича комиссияси қарори асосида кўрсатилган даврни иш стажига киритиш масаласи кўриб чиқилади. Чунончи, Низомнинг 57-бандига мувофиқ, иш стажи тўғрисидаги тақдим этилган хужжатларнинг асосланганлиги ва ишончлилигини аниқлаш мақсадида Пенсия жамғармаси бўлими:

➤ иш стажини тасдиқлаш учун тақдим этилган хужжатларнинг мазмунини ва зарур тарзда расмийлаштирилганлигини баҳолайди ҳамда зарурат бўлганда улар берилишининг асосланганлигини текшириш тўғрисида қарор қабул қилади;

➤ зарур ҳолларда меҳнат фаолиятининг айрим даврларини иш стажи даврига ҳисобга олиш ёки ҳисобдан чиқариб ташлаш тўғрисида қарор чиқаради.

Пенсия жамғармаси бўлими томонидан чиқарилган иш стажини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисидаги қарор билан рози бўлинмаган тақдирда, ушбу масала суд томонидан ҳал этилади (Низомнинг 82-банди).



Ушбу даврни иш стажига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинса, у қуйидаги тартибда ҳисобга олинади: иш стажи тўғрисида тақдим этилган хужжатда аниқ саналар белги-ланмасдан фақат йиллар кўрсатилган ҳолларда, тегишли йилнинг 1 июли сана сифатида қабул қилинади, агар ойнинг санаси кўрсатилмаган бўлса, тегишли ойнинг 15-куни ана шундай сана ҳисобланади (Низомнинг 81-банди).

Ҳаммаси – Солиқ кодекси бўйича



Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича олинган тўловлар иш ҳақи таркибига киритилади-ми?

Пенсияни ҳисоблашда иш ҳақи таркибига қандай даромадлар киритилади?

Феруз К. Тошкент ш.

– Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олиннадиган иш ҳақида қонун хужжатларига мувофиқ сугурта бадаллари ҳисобланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар кўшилади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддаси). Солиқ ко-

дексининг 306-моддасига мувофиқ, Солиқ кодексининг 172-моддасида кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар сугурта бадаллари солинадиган объект ҳисобланади.

Солиқ кодексининг 172-моддасига кўра, предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўлган фу-

қаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга (Солиқ кодекси 169-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган даромадлар бундан мустасно) тўловлар ҳам меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эъти-роф этилади.

Зафаржон Хўжаев, «Norma» МЧЖ эксперти.

Реклама

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»



Ўзбек тилидаги қўлланмасининг тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.

E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Маевуви сонни Алла Ромашко олиб боради.

Сайёр тадбир

Ҳарбий пенсионерларни қайси масалалар қизиқтиради



З.Умурзоқов билан суҳбат.

Андижон ҳарбий прокуратураси ҳамда Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги билан ҳамкорликда Андижон гарнизонидаги ҳарбий пенсионерларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатларини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш мақсадида улар билан очиқ мулоқот ва сайёр қабул ўтказилди.

Тадбирда Андижон ҳарбий прокурори адлия полковниги К.Рўзметов сўзга чиқиб, Андижон гарнизонидаги ҳарбий пенсионерларни қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, энг аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду-ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш кераклиги, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши кераклигини таъкидлади.

Мулоқот жараёнида иштирокчиларнинг ҳар бир муурожаати юзасидан Андижон ҳарбий прокурори, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, Андижон вилояти адлия, Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармалари

бошлиқлари, вилоят бандлик бош бошқармаси, Марказий банк вилоят бош бошқармаси, вилоят халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда тегишли давлат ташкилот вакиллари қатнашиб, улар томонидан асослан-тирилган жавоблар берилди.

Ташкил этилган сайёр қабулда Андижон гарнизонидаги ҳарбий пенсионерлар иштирок этишиб, уларни қийнаётган бир қанча муаммоларнинг жойида ҳал қилинишига эришилди.

Тадбирни кенг жамоатчилик эътиборига етказиш мақсадида, ОАВ ходимлари ҳам иштирок этишди.

А.Қурбонов, Андижон ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия майори.

Қонун чиқарувчилар таклиф этади

Чекловлар олиб ташланади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ногиронлар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишда қонунчиликни такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда ногиронлиги бўлган болаларнинг 98 фоизи ўз ота-онаси қарамоғида тарбияланмоқда. Уларнинг кўпчилиги таянч-ҳаракат тизими, асаб ва руҳий касалликларга чалинган бўлиб, ўзгаларнинг доимий ёрдамига муҳтождир.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунда I гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт ёшга доир пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисобланиши назарда тутилган. Бироқ ушбу Қонуннинг 37-моддаси иккинчи қисмида шу модданинг «д» ва бошқа бандларида назарда тутилган даврлар умумий иш стажига камида 7 йил бўлган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланиши белгиланган.

Ушбу чекловнинг қўлланилиши ногиронлиги бўлган болаларнинг тарбияси билан банд аксарият ота-оналарга пенсия тайинлаш имконини истисно этади. Шу сабабли ўзгалар парвариши билан банд бўлгани ҳолда талаб

этиладиган минимал иш стажини тўплай олмаётган фуқаролар қўллаб қийинчиликларга дуч келмоқда.

I гуруҳ ногирони бўлган шахслар учун нафақа миқдори ўртача 360 минг сўмни ташкил этиши ва бу уларнинг эҳтиёжини етарли даражада қопламаётгани ҳам эътиборга олинадиган бўлса, мазкур масаланинг ҳал этилиши ногиронлиги бўлган болалар тарбияси билан банд шахсларга ёшга доир пенсия тайинлаш учун қонуний кафолатларни кучайтириш ва моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонундаги ушбу модда билан боглиқ бўлган чекловларни истисно этишга қаратилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур, деган хулосага келди.

ЎЗА асосида.

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Қўшиб юбориш алгоритми

«Б» МЧЖ «А» МЧЖнинг муассиси ҳисобланади (100% улуш). «А» МЧЖни «Б» МЧЖга қўшиб юборишга қарор қилинди. «А» МЧЖда солиқ текшируви ўтказилди. Корхоналар турли вилоятларда жойлашган. Қўшиб юбориш жараёни қандай амалга оширилади?

— Корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш уларнинг қайта ташкил этиш билан боғлиқ ҳуқуқларини чекламайди.

Юридик шахс қайта ташкил этилганда қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳисоб ҳужжатларини сақлаш мажбуриятлари унинг ҳуқуқий вориси зиммасига юклатилади (*Солиқ кодексининг 41-моддаси 3-қисми*).

Қайта ташкил этилган юридик шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбурияти унинг ҳуқуқий вориси (ҳуқуқий ворислари) томонидан бажарилади (*Солиқ кодексининг 51-моддаси 1-қисми*).

Қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш учун қуйидаги ҳужжатлар ва ҳаракатлар зарур:

1) ҳар бир жамият иштирокчилари йиғилишининг қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори (баённомаси);

2) қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш;

3) қўшиб юборишда қатнашаётган жамиятлар иштирокчиларининг биргаликдаги умумий йиғилишини ўтказиш, унда қуйидаги масалалар ҳал этилиши лозим:

➤ қўшиб олаётган жамият ҳужжатларига жамият иштирокчилари тарки-

бининг ўзгариши, уларнинг улушлари миқдорларини белгилаш билан боғлиқ ўзгартиришлар киритиш;

➤ қўшиб олаётган жамият органларини сайлаш;

➤ қўшиб юбориш шартномасида назарда тутилган бошқа муҳим масалалар.

Қайта рўйхатдан ўтказиш учун сўронома ёки аризани юборишдан олдин қайта ташкил этилаётган тадбиркорлик субъекти — юридик шахс кредиторларни таништириш учун Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (*ВМнинг 9.02.2017 йилдаги 66-сон қарорига 1-илова*) 10-иловага мувофиқ расмийлаштирилган қайта ташкил этиш ҳабарномасини Ягона интерактив давлат хизматлари порталида эълон қилади. Бунда кўрсатилган хабарномани босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш талаб этилмайди (*Низомнинг 28-банди*).

Қайта рўйхатдан ўтказиш учун тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими воситасида ёки ўзи келган ҳолда қуйидаги ҳужжатлар сўровномага илова қилинади:

➤ тадбиркорлик субъекти ваколатли бошқарув органининг қарори;

➤ давлат тилидаги таъсис ҳужжатлари;

➤ топшириш далолатномаси.

Топшириш далолатномаси қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тарафлар баҳолашаётган мажбуриятлар бўйича, ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш таъсис ҳужжатларини янги тахрирда қабул қилиш йўли билан амалга оширилади (*Низомнинг 21-банди*).

Қуйидаги ҳолларда монополияга қарши органнинг (Давлат рақобат қўмитаси) олдиндан розилигини олиш зарур:

➤ қўшиб юборишга олдиндан розилик бериш тўғрисида ариза бериш санасида активларнинг жами баланс қиймати ЭКИХнинг 100 000 баравари миқдоридан ортиқ бўлса;

➤ ёки улар қўшиб юбориладиган йилдан олдинги календарь йилда товарларни сотишдан олган жами тушуми ЭКИХнинг 100 000 баравари миқдоридан ортиқ бўлса;

➤ ёхуд улардан бири товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект бўлса (*Низомнинг 4-банди, ВМнинг 27.12.2013 йилдаги 344-сон қарорига 1-илова*).

Қўриб чиқилаётган вазиятда «А» фирмаси «Б» фирмасига қўшиб юбориладиганда қарздор ва кредитор бир шахс бўлганлиги сабабли дастлабки бухгалтерия балансини шакллантириш чоғида «Б» фирмасининг «А» фирмасида шакллантирилган устав капитали миқдори ҳисобга олинмайди (*ФКнинг 346-моддаси; АВ томонидан 27.06.2005 йилда 1484-сон билан рўйхатдан ўтказилган 23-сон БХМСнинг 26-банди*).

Александр Лобанов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Қайта ташкил этишнинг юридик жиҳатлари

Фермер хўжалигининг балансида ер участкаси бор. Иссиқхона қуришга маблағи йўқлиги сабабли фермер хўжалиги раҳбари инвенторлар сифатида чиқишга тайёр бўлган жисмоний шахсларга мурожаат қилди. Бироқ улар фермер хўжалигини масъулияти чекланган жамиятга айлантириш ва унга муассислар сифатида кириш ҳақида шарт қўйдилар, улар қурган иссиқхона устав капиталига ҳисса бўлади. Фермер хўжалиги раҳбари ўз наебатида ишларни бошқаришни ва ўз улушини тўлалигича уларга топшириши керак.

Фермер хўжалигини иккита янги муассис қирадиган МЧЖ сифатида қайта ташкил этиш учун қандай тартиб-таомиллардан ўтиш керак?

— Бу ҳолда қуйидаги тартиб-таомилларни амалга ошириш зарур.

Фермер хўжалиги масъулияти чекланган жамиятга айлантирилиши мумкин (*«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддаси*).

Қайта ташкил этиш йўли билан тузилаётган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (*ВМнинг 9.02.2017 йилдаги 66-сон қарорига 1-илова*) 2 ва 3-бобларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этиш учун зарур ҳужжатлар қуйидагилардир:

➤ фермер хўжалиги муассисининг (раҳбарининг) қарори;

➤ янгидан тузилаётган МЧЖнинг давлат тилида тасдиқланган устави;

➤ топшириш далолатномаси.

Топшириш далолатномаси қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг (фермер хўжалигининг) барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тарафлар баҳолашаётган мажбуриятлар бўйича, ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган бўлиши керак (*ФКнинг 49–51-моддалари; Низомнинг 27-банди*).

Кўрсатилган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга (Давлат хизматлари марказига) Низомда белгиланган тартибга мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими воситасида ёки ўзи келган ҳолда тақдим этилиши мумкин.

Қайта рўйхатдан ўтказиш учун сўровнома ёки аризани юборишдан олдин қайта ташкил этилаётган фермер хўжалиги кредиторларни таништириш учун қайта ташкил этиш ҳабарномасини Ягона интерактив давлат хизматлари порталида эълон қилади. Бунда кўрсатилган хабарномани босма ОАВда эълон қилиш талаб этилмайди (*Низомнинг 28-банди*).

Фермер хўжалиги ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тузган (*«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун; Низом, ВМнинг 30.10.2003 йилдаги 476-сон қарорига 7-илова*). Қайта ташкил этилгандан сўнг ушбу ер участкаси фермер хўжалигидан МЧЖ номига қайта расмийлаштирилиши керак.

Ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этилгандан сўнг собиқ фермер хўжалиги раҳбари МЧЖнинг ягона иштирокчисига (муассисига) айланади.

МЧЖнинг ягона иштирокчиси МЧЖнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушини ёхуд унинг бир қисмининг бир ёки бир неча иштирокчига сотишга ёки ўзга тарзда улар фойдасига воз кечишга ҳақли-

дир. МЧЖ устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисмини) сотиш ёки ундан бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш, агар уни нотариал шаклда амалга ошириш тўғрисидаги талаб МЧЖнинг уставидан назарда тутилган бўлмаса, оддий ёзма шаклда амалга оширилиши керак (*«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси*).

Учинчи шахсларни МЧЖ иштирокчилари таркибига киритиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

➤ МЧЖ ягона иштирокчисининг МЧЖ устав фондидаги 100% улушини сотиш тўғрисидаги қарори;

➤ МЧЖнинг ягона иштирокчиси ўз ҳиссасини тўлиқ миқдорда киритганини тасдиқловчи ҳужжатлар;

➤ улуш ўтганини тасдиқловчи ҳужжат (улушнинг олди-сотди ёки ундан бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш шартномаси);

➤ МЧЖнинг давлат тилидаги янги тахрирдаги таъсис шартномаси ва устави;

➤ таъсис ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар (ариза, давлат бож тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати).

Қайта рўйхатдан ўтган, МЧЖ иштирокчилари ижарага олинган ер участкасида иссиқхона қуриш учун пул маблағлари кўринишида МЧЖ устав фондида қўшимча ҳисса киритишлари, бу билан МЧЖ устав фонди миқдорини кўпайтиришлари мумкин (*МЧЖ тўғрисидаги Қонуннинг 15–18-моддалари*).

МЧЖ устав фондида қўшимча ҳисса тўлиқ қўшилганлиги (кўпайтирилгани/шакллангани) далили МЧЖ таъсис ҳужжатларида акс эттирилиши ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органда белгиланган муддатда ва тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Азим Ажибеков, «Norma» МЧЖ эксперти.

Рўйхатда мажбурият белгиланган

ВМнинг 28.04.2011 йилдаги 122-сон қарорига мувофиқ, муайян турдаги товарларни ишлаб чиқарувчига (ЎЗР) мувофиқлик сертификати олиш мажбурияти юклатилган. Агар харидорга бундай товар etkазиб берилган ва ҳақи тўлиқ тўланган бўлса, ишлаб чиқарувчи харидорга сертификатни талаб қилмаса ҳам бериши шартми?

– Ҳа, муайян ҳолларда мувофиқлик сертификатларини тақдим этиш зарур.

Чакана савдони амалга оширувчи юридик шахслар, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар товарларнинг сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда сотиш жойларида сотилаётган товарларнинг мувофиқлик сертификатларига эга бўлишлари шарт (ВМнинг 26.11.2002 йилдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 20, 32-бандлари).

Қонун ҳужжатларида товар Мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхатига (ВМнинг 28.04.2011 йилдаги 122-сон қарорига 1-илова) киритилган ҳолларда мувофиқлик сертификати мавжуд бўлиши тўғрисида талаб белгиланган.

Александр Лобанов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Тўланган бадаллар қайта ҳисоб-китоб қилинмайди

Дала ҳовли ширкатида йил бошида, одатдагидек, дала ҳовлилар эгаларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда сметани тасдиқладик ва 2018 йил учун ойлик бадалларни ҳар бир дала ҳовли участкасидан 20 000 сўм миқдорида этиб белгиладик. Бироқ июнда раҳбарият ўзгарди, у ойлик бадалларни 55 000 сўм миқдорида белгилаб, 2018 йил январдан бошлаб қўшимча тўлов тўлашни талаб қилмоқда. Бунда ҳеч қандай йиғилиш баённомасини тақдим этмади.

Ушбу қарор устидан қандай шикоят қилиш мумкин?

Боғдорчилик-узумчилик ширкати бошқаруви йил бошидан ойлик тўловлар суммасини ўзгартириш тўғрисида қарор чиқаришга қанчалик ҳақли?

– Боғдорчилик-узумчилик ширкати (БУШ) бошқаруви унинг аъзолари умумий йиғилишини ўтказмасдан туриб, аъзолар томонидан тўланадиган ойлик бадаллар миқдорини ўзгартира олмайди.


Ширкатнинг кириш, аъзолик ва мақсадли бадаллари миқдорларини белгилаш масаласини ҳал қилиш БУШ аъзолари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига қаради. Уни ўтказиш тартиби ширкатнинг таъсис ҳужжатларида белгиланади (ВМнинг 1.03.2011 йилдаги 51-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 32, 33-бандлари).

Сизнинг ҳолатда 2018 йил январда бадаллар миқдори белгиланган. Шу сабабли июнда уларнинг миқдорини ўзгартириш учун аъзоларнинг навбатдаги йиғилишини чақириш керак эди, улар ўз қарорлари билан уларни тасдиқлашлари талаб қилинар эди. Ушбу қарор қанчалик тўғри чиқарилганини аниқлаш учун БУШ уставини

ўрганиб чиқиб, аъзоларнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш, зарур қворумни тўплаш тартибига ва ҳ.к. риоя этилганини солиштириб кўриш лозим.

Бадалларнинг қайта ҳисоб-китоб қилинишига келсак, агар 2018 йил январдан июнгача аъзолик бадалларининг белгиланган миқдорини тўлаган бўлсангиз, ҳеч қандай қўшимча ҳақ тўламаслигингиз керак. БУШ аъзоларининг бадаллар миқдорини кўпайтириш тўғрисидаги қарори орқага қайтиш кучига эга эмас (ФКнинг 5-моддасидаги сингари).

БУШ аъзоси ширкат аъзолари умумий йиғилиши ва бошқарувининг қарорларини ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (Низомнинг 21-банди). Даво аризасини БУШ жойлашган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича судга тақдим этиш зарур (ФПКнинг 26, 33-моддалари).



Воситачилик қилиш усули

МЧЖ якка тартибдаги тадбиркор (ҳунарманд, фаолият тури – металл буюмлар тайёрлаш) ва металлдан иссиқхона қуришга буюртма берувчи (юридик шахс) ўртасида воситачилик қилмоқчи.

Якка тартибдаги тадбиркор иссиқхона қуриши мумкинми?

Воситачиликни шартноманинг қандай тури: пудрат шартномаси ёки воситачилик шартномаси билан расмийлаштириш мумкин?

– Якка тартибдаги тадбиркор металл ва тунукадан буюмлар тайёрлаши ва уларни таъмирлаши мумкин (Рўйхатнинг 15-банди, ВМнинг 7.01.2011 йилдаги 6-сон қарорига 1-илова). Бинобарин, у металлдан иссиқхона қуришга ҳақли.

Якка тартибдаги тадбиркор ва иссиқхона буюртмачиси ўртасидаги воситачилигинингизни пудрат шартномаси билан ҳам, воситачилик шартномаси билан ҳам расмийлаштириш мумкин.

Биринчи ҳолатда корхонангиз ва буюртмачи иссиқхона қуришга пудрат шартномаси тузади. Тузилган шартномада сиз ёрдамчи пудрат шартномасини тузишингиз учун чеклов белгиланмаслиги керак. Шунда сиз якка тартибдаги тадбиркор билан ёрдамчи пудрат шартномаси туза olasiz. Якка тартибдаги тадбиркор иш натижалари

рини сизга топширади, сиз эса ўз навбатида уларни буюртмачига топширишингиз керак бўлади. Бироқ бунда ёрдамчи пудратчининг (якка тартибдаги тадбиркорнинг) иши сифатсиз ёки камчиликларга эга бўлса, буюртмачи олдида сизнинг корхонангиз жавобгар бўлади (ФКнинг 634-моддаси).

Иккинчи ҳолатда иссиқхона буюртмачиси (комитент) корхонангизга (воситачига) иссиқхона қуриш учун воситачилик шартномаси тузишни топшириши мумкин (ФКнинг 832-моддаси). Шартномани ўз номингиздан, бироқ комитент ҳисобидан тузасиз. Воситачи корхонангиз якка тартибдаги тадбиркор билан тузилган шартнома бўйича ҳуқуқларга эга бўлади ва зиммасига мажбурият олади. Воситачилик учун комитент сизга ҳақ тўлаши керак бўлади (ФКнинг 833-моддаси).

Сабоҳат Султонова, «Norma» МЧЖ эксперти.

Эълолар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – инсталланган шаклда. Тел.: 71-236-76-46, 71-233-74-95, 71-233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

СОТИБ ОЛАМАН

Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратова
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўчи, 1/1,
Таҳририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
etkазиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 283-32-31, 283-36-32 телефон
рақамларига мурожаат қилиш мумкин.

Газета нашр – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қроҳ бичими – А3. Ҳажми – 2 босма тибб, босма келишган нарҳда
Буюртма 465. Адади 810. Газета 2018 йил 12 ноябрь соат 17.00 да топширилди.